Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences
Hosted online from Toronto, Canada.
Date: 5th March, 2024
ISSN: 2835-5326 **Website:** econferenceseries.com

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН РАҚОБАТГА ОИД ИШЛАРНИНГ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ

Давронов Азизбек Баходир ўғли

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

Бугунги кунда маъмурий соҳада салмоқли ислоҳатлар амалга оширилмоқдаки, буларнинг натижасини амалга оширилган сўнгги ўзгаришларда кўрса бўлади. Жумладан, 2017 йилда Маъмурий судларнинг ташкил этилиши[1] ву нафақат суд тизимидаги, балки маъмурий соҳада амалга оширилган ишларнинг энг кўзга кўринганларидан бири бўлди. Маъмурий судлар ташкил этилиши бевосита ўзининг процессуал томонларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлишини талаб қилади. Маъмурий соҳанинг процессуал томонларини тартибга солувчи “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодекс ҳам ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. Айнан ҳар бир соҳанинг процессуал қонун нормаларида у томонидан тартибга солувчи суд томонидан кўриб чиқиладиган ишлар белгилаб берилади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда рақобатга оид ишларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши ва унинг судловига тааллуқли эканлиги айтилган. Шуни эътиборга олиш керакки, рақобатга оид ишлар иқтисодий судлар томонидан ҳам кўриб чиқилади. Шу ўринда савол туғилади, рақобат тўғрисидаги қайси тоифа ишларнинг маъмумрий судлар томонидан кўриб чиқилиши ва уларнинг иқтисодий судларда кўриб чиқиладиган ишлардан нима фарқи бор каби саволлар туғилиши табиий.

Қуйидаги бериладиган тушунтиришлар орқали маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган рақобатга оид ишларнинг ўзига хос хусуисятларини тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Шуни инобатга олиш керакки, маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ишлар кўриб чиқилади ва ушбу жиҳат билан маъмурий судлар бошқа юстиция судларидан фарқ қилади[2]. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, рақобатга оид иш ҳам бевосита оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши керак.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони.

[2] Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. Тошкент – 2020.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлар – фуқаролар ёки юридик шахсларнинг давлат органлари билан ўзаро алоқага киришиши натижасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тушунишимиз мумкин. Оммавий ҳуқуқ умум(жамоат) манфаатини таъминловчи муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади[3]. Шу ўринда рақобат тушунчасига таъриф бериб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Рақобат — хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди деб таъриф бериб ўтилган[4]Маъмурий судлар маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда инвесторларнинг, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади. МСИЮтКнинг 27[2]-моддасига кўра, рақобат тўғрисидаги ишлар юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Демак, бу нормадан келиб чиқадики, рақобат тўғрисидаги ишларда тарафлар юридик шахслар, хўжалик бошқарув органлари ва якка тартибдаг тадбиркорлар ҳамда давлат органи ҳисобланган монополияга қарши курашиш органлари рақобат тўғрисидаги ишларда тарафлар бўлиши мумкин. Юқоридаги кодексда акс этган нормани қуйидагича талқин қилсак бўлади.

Маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган рақобатга оид ишларга монополияга қарши курашиш органларининг ва улар мансабдор шахсларнинг товар ва молия бозорида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган, юридик шахслар(чет эл

[3] Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т.: Адолат. 2010. – Б.350.
[4] “Рақобат тўғрисида”ги 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ-850-сонли Қонуии. онунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.07.2023 й., 03/23/850/0439-сон.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

юридик шахслари), хўжалик бошқарув органлари, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни киритиш мумкин.

Энди маъмурий органнинг қандай қарорларини чиқариш орқали МСИЮтКнинг 27[2]-моддасида назарада тутилган рақобатга оид ишлар келиб чиқиши мумкинлигига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, маъмурий орган томонидан хўжалик юртитувчи субъектни товар ва молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритиувчи субъектлар Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарори асосида низолар келиб чиқиши мумкин. Бунда шуни инобатга олиш керакки, маъмурий суд бу тоифадаги ишларни маъмурий орган томонидан амалга оширилган ҳаракат ҳақиқатдан ҳам қонун доирасида амалга оширилганми шу томонлариг эътибор берган ҳолда у тмоонидан қабул қилинган қарорнинг қонунийлигига баҳо берган ҳолда қарор қабул қилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда, маъмурий орган бирор бир хўжалик юритиувчи субъектдан рақобатга қарши ҳаракатлар натижасида асоссиз равишда олган даромадларини олиб қўйишда ифодаланган ҳаракатларни қонунчилик доирасида амалга оширилиган ёки оширилмаганлиги нуқтаъи назаридан келиб чиқади.

Маъмурий органнинг хўжалик юритувчи субъект(лар)нинг ҳаракатларини инсофсиз рақобат деб топиш тўғрисидаги қарорлари бўйича низолар маъмурий суд томонидан кўриб чиқилади. Бунда судга келиб тушуган ариза талабларидан келиб чиқиб, маъмурий суд маъмурий орган тмоонидан чиқарилган қарорнинг қонунчилик нормаларига доирасида қабул қилганми, хўжалик субъектининг ҳаракатларида инсофсиз рақобта аломатлари бор йўқлигидан келиб чиққан ҳолда масалага ечим топилиши мумкин[5].

Бундан ташқари маъмурий органларнинг ноқонуний ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) натижасида келиб чиқадиган низоларни ҳам мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бундай тоифадаги ишлар жумласига мисол сифатида маъмурий органнинг рақобат тўғрисидаги қонун

[5] Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ва уларни кўриш бўйича қўлланма. Тошкент – 2021.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES

ҳужжатларига риоя қилинишини текширишнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибларини бузганлик, маъмурий органга ўзига берилган ваколатларини амалга ошириш давомида ошкор бўлиб қолган тадбиркорлик ёки тижорат сираларининг такшил қилувчи сирларни ошкор қилганлиги билан боғлиқ ҳаракатларда ифодаланган ноқонуний ҳолатларни келитиришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда суд тизимида судловга тааллуқлилик масалалари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Агар тааллуқлилик масалаларига жиддий қаралмайдиган бўлса, судлар ўз ваколатидан чиқиш ҳолатлари кўпайиб кетади. Бунинг натижасида судлар фаолиятининг асосий мақсади ва вазифаси бўлган адолатли ва одил судловни амалга ошириш вазифасидан четлашишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бугунги кунда айниқса бир турдаги ишларнинг икки суд тизими орқали кўрилиши ва бу масалаларни аниқ қилиб ажратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, рақобат тўғрисидаги ишларнинг ҳам маъмурий судлар томонидан ҳам иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиши бу соҳанпи чуқурроқ таҳлил қилишга, келиб тушган аризаларнинг моҳиятига жиддий эътибор берилишини, шунеингдек судьялардан ҳам юқори малакали билимга эга бўлишни талаб қилади. Ишларни уларнинг тааллуқлилигига кўра судларда кўриб чиқилиши, ишларнинг тўғри ҳал қилинилишига олиб келади. Бунинг натижасида эса фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари қонунчилик нормалари доирасида, унинг ва бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилинмаган ҳолда тикланади. Шунинг учун ҳам, судларда тааллуқлилик масалаласи жуда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2.Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс;
3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони;

4.“Рақобат тўғрисида”ги 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ-850-сонли Қонуии. онунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.07.2023 й., 03/23/850/0439-сон.
5.Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. Тошкент – 2020;
6.Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш ва уларни кўриш бўйича қўлланма. Тошкент – 2021.
7.Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Т.: Адолат. 2010. – Б.350.

E- Conference Series
Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings
E- CONFERENCE SERIES